Илова

**Ўқув адабиётлари (дарслик ва ўқув қўлланма)га расмий мақом ва нашр этилишига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг гувоҳномасини олиш учун ССВнинг Тиббий таълимни ривожлантириш марказига тақдим этиладиган ҳужжатлар ва талаблар рўйҳати**

1. ОТМ раҳбарининг расмий йўлланма хати;
2. ОТМ Кенгаши қароридан кўчирма (кўчирма ректор ва илмий котиб томонидан имзоланиб, гербли муҳр қўйилиб, матнда ҳар бир муаллиф Ф.И.Ш., таълим йўналиши коди (шифри), фан номи ва адабиёт номи кўрсатилиши шарт);
3. Ректорлар раёсати қошидаги Монотематик комиссияси хулосаси (комиссиялар раисларининг янги таркиби ССВнинг 2018 й 2 октябрдаги 564-сонли буйруғининг 1-иловаси билан тасдиқланган);
4. ССВ томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режа нусҳаси;
5. ССВ томонидан тасдиқланган намунавий дастур нусхаси (дарслик учун) ва намунавий дастур+ишчи ўқув дастур нусҳалари (ўқув қўлланма учун);
6. Ички ва ташқи тақризлар (тасдиқланган ва санаси қайд этилган, муҳрланган);
7. Электрон дарсликка тақризлар 3 тадан кам бўлмаган: ички, ташқи тақризлар ва техник мутахассис-ўқитувчининг алоҳида тақризи билан тақдим этилади;
8. Электрон дарсликка муаллифлик хуқуқи гувоҳномаси нусҳаси (патент ёки электрон дарсликнинг интеллектуал алоқадорлигини тасдиқловчи ҳужжат) – Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (Тошкент ш. Мустақиллик кўчаси 59-уй (мўлжал-Дархон), тел. 232-50-45)да рўйҳатдан ўтказилади;
9. Мундарижа: ўзбек, рус ва инглиз тилида;
10. Аннотация: ўзбек, рус ва инглиз тилида;
11. Ҳар бир муаллифнинг паспорти нусҳаси;
12. Ҳар бир муаллифнинг иш жойи кадрлар бўлимидан олинган суратли маълумотномаси;
13. Ўқув адабиётининг когоз (1 нусҳа) ва электрон (2 та дискда) нусҳалари;

**Дарслик ва ўқув қўлланмалар қўлёзмасига талаблар:**

Times New Roman 14 шрифт, 1,5 интервал, А-4 ўлчамдаги қоғоз ва электрон варианти, матн: юқоридан - 20 мм, пастдан – 20 мм, чапдан - 30 мм, ўнгдан – 15 мм хошиялар оралиғига жойлаштирилади. Бетлар 3-рақамдан бошлаб, пастки қисм марказида, кетма-кетлик сақланган ҳолда рақамланади.

**Муаллифларга талаблар:**

Тегишли фандан **илмий даража ва илмий унвонга эга** ёки **камида 10 йил** машгулот ўтказган, тажрибали ва шу соҳада аниқ ютуқларга эришган бўлиши шарт.

**Дарслик фақат ССВ томонидан буюртма қилиниб, шакллантирилган муаллифлар гуруҳи томонидан яратилади! Ўқув қўлланма 50 соатдан ортиқ ўтиладиган мавзулар бўйича яратилади!**

**Дарслик ва ўқув қўлланмалар ўзбек ва рус тилида тақдим этилнши шарт! Рус тилидаги муқобил ўқув адабиёти учун Ректорлар раёсати хулосаси тақдим этилади.**

**Экспертизага келиб тушган ўқув адабиётлари қайтарилмайди!**

(97) 453-53-81
Зилорои Сафоевна